14.7. Давлат ташкилоти функцияси номи: Жамиятнинг таркибий бўлинмаларида намуналарини олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган ички ва ташқи назоратни амалга ошириш							
14.7.1. Функцияга оид муносабат номи: Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция							
14.7.2. Жараён номи							

14.7.3.		Паст	МКБ, "Қизилқум" КБ ШКБ, ЖКБ ТНБ бошлиғи, ЖКБ ТНБ бошлиғи ўринбосари, ЖКБ ТН бўлинма бошлиғи	Хар ой якунида олтин таркибли маҳсулотларнинг такрорий таҳлилини ўтказиш. Бунда бир ой давомида шаклантирилган намуна дубликатларининг 10% кам бўлмаган миқдорда марказий завод лабораториясига ички назорат учун, марказий илмий тадқиқот лабораториясига эса ташқи назорат учун юборилади. Бундай усулдан мақсад лабораториялар ўртасида таҳлил натижаларини шаффофлигини таъминлаш.		Паст	Р.Ш. Ҳамдамов А.А. Марданов Н.Р. Мирзоев С.Э. Тошматов И.Х. Улуғмуродов Ш.М. Норкулов
14.8. Давлат ташкилоти функцияси номи: Жамиятнинг таркибий бўлинмаларидаги техник назорат хизмати томонидан амалга ошириладиган хом ашёни қазиб олиш, йиғиш ва гидрометаллургия заводларига қайта ишлаш учун жўнатиш ва қайта ишлаш каби жараёнларни технологик назорат қилиш							
14.8.1. Функцияга оид муносабат номи: Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция							
14.8.2. Жараён номи							
14.8.3.		Паст	МКБ, "Қизилқум" КБ ШКБ, ЖКБ ТНБ бошлиғи, ЖКБ ТНБ бошлиғи ўринбосари, ЖКБ ТН бўлинма бошлиғи	Барча ишлаб чиқариш комплексларида рудаларни қазиб олишдан то уни қайта ишлашгача бўлган жараёни назорат қилиш. Бунда карьер ёки шахтадан қазиб олинган мадан ҳажми ТНБ томонидан жойларда қайт этиш (тарози) ускунаси ёрдамида аниқланади, бу маъдан билан боғлиқ барча маълумотлар керакли иш журналларига ёзилади (бундан ташқари хар бир маъдан партияси электрон тарзида маҳсус компьютерларда қайд этилади). Қайта ишлашга келтирилган маъдан партияларида олтиннинг миқдори ва сифати кўрсатилади. Гидрометаллургия заводларида қайта ишлашга келтирилган маъданлар билан ҳам шу аснода иш олиб борилади, яъни маъдани қайтд этиш, маъданининг олтин таркиби, маъдандаги намлик миқдори, жами олтин миқдори каби кўрсаткичлар аниқланади.		Паст	Р.Ш. Ҳамдамов А.А. Марданов Н.Р. Мирзоев С.Э. Тошматов И.Х. Улуғмуродов Ш.М. Норкулов
14.9. Давлат ташкилоти функцияси номи: Ишлаб чиқарилган маҳсулотларга сертификат ёки бошқа турдаги ҳужжатларни бериш.							
14.9.1. Функцияга оид муносабат номи: Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция							
14.9.2. Жараён номи							
14.9.3.		Паст	МКБ, "Қизилқум" КБ ШКБ, ЖКБ ТНБ бошлиғи, ЖКБ ТНБ бошлиғи ўринбосари, ЖКБ ТН бўлинма бошлиғи	Жамиятнинг таркибий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқариладиган таййёр ва ярим таййёр маҳсулотларга белгиланган меъёрий ҳужжатларига кўра ҳамда лаборатория таҳлили натижаси асосида мувофиқлик сертификати тақдим этилади. Ҳар қандай ярим таййёр ёки таййёр маҳсулот бўлмасин хар бир маҳсулотни белгиланган ГОСТ, ОСТ ва МВИ (қўлланма) орқали лаборатория таҳлил ўтказилади. Лаборатория таҳлили барчаси автоматлаштирилган яъни инсон омили жуда паст. Бу ерда коррупциявий хавф мавжуд эмас. Сифат сертификатини бериш юқорида айтилганидек, агар маҳсулот белгиланган меъёр талабларига жавоб берса (яъни норматив меъёрий ҳужжатлар талабларига) сифат сертификати тақдим этилади.		Паст	Р.Ш. Ҳамдамов А.А. Марданов Н.Р. Мирзоев С.Э. Тошматов И.Х. Улуғмуродов Ш.М. Норкулов
14.10. Давлат ташкилоти функцияси номи: Назорат ўлчов ускуналарини ҳолатини текшириш ва ва ўз вақтида сошлаш ишларини тизимли ташкиллаштириш							
14.10.1. Функцияга оид муносабат номи: Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция							
14.10.2. Жараён номи							
14.10.3.		Паст	МКБ ТНХ бошлиғи МКБ ТНХ муҳандиси "Қизилқум" КБ ТНБ бошлиғи "Қизилқум" КБ ТНБ муҳандиси ШКБ ТНХ бошлиғи ШКБ ТНБ муҳандиси ЖКБ ТНБ бошлиғи	Таййёр ёки ярим таййёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ҳамда маҳсулотларни шу ҳолатгача олиб келгунга қадар бўлагн технологик жараёнларни назорат қилиш учун ўлчов ускуналаридан фойдаланилади. Бунда маъдани темир йўл ёки авто тарозиларда тортишдан бошлаб, тегирмаондан чиқаётган бутана таркибидаги каттиқ зарралар синфидан то завод чикиндиси билан кетаётган катрон ёки кўмир миқдорини аниқлашгача бўлган барча назорат ўлчов асбобларини фаолиятини тўғри ишлаётганини назорат қилиш, агар ўлчов ускуналари тўғри кўрсатмаётганида уларни созлаттиришни талаб қилиш каби ишлар қиради.		Паст	Р.Ш. Ҳамдамов У.И. Кушшаев А.А. Марданов А.Б. Каримова Н.Р. Мирзоев Р.Т. Шаропова С.Э. Тошматов
14.11. Давлат ташкилоти функцияси номи: Таййёр маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган жамиятнинг таркибий бўлинмаларида сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни, ҳамда металлларни чикиндига чиқиб кетишини олдини олиш фаолиятини таҳлил қилиш							
14.11.1. Функцияга оид муносабат номи: Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция							
14.11.2. Жараён номи							
14.11.3.		Паст	МКБ ТНХ бошлиғи МКБ ТНХ муҳандиси "Қизилқум" КБ ТНБ бошлиғи "Қизилқум" КБ ТНБ муҳандиси ШКБ ТНХ бошлиғи ШКБ ТНБ муҳандиси ЖКБ ТНБ бошлиғи	Жамиятнинг таййёр маҳсулотлар ишлаб чиқаридиган бўлинмаларида сифатли таййёр маҳсулотларни белгиланган норматив ҳужжатлар (ГОСТ, Техник регламент) лар буйича ишлаб чиқариш, ҳамда у жараёндаги чикинди белгиланган нормадан ошиб кетмаслигини назорат қилиш.		Паст	Р.Ш. Ҳамдамов У.И. Кушшаев А.А. Марданов А.Б. Каримова Н.Р. Мирзоев Р.Т. Шаропова С.Э. Тошматов
14.12. Давлат ташкилоти функцияси номи: Маҳсулотнинг сифатсиз ва яроқсизлиги бўйича таҳлилни юритиш.							
14.12.1. Функцияга оид муносабат номи: Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция							
14.12.2. Жараён номи: Маҳсулотнинг сифатсиз ва яроқсизлиги бўйича таҳлилни юритиш.							

14.12.3.		паст	МКБ, "Қизилқум" ҚБ, ШКБ ТНХ бошлиғи ЖКБ ТНБ бошлиғи	<p>Махсулотни сифати буйича қабул қилиш натижалари ҳақида қатта назоратчи уста, назоратчи усталар тақдим қилган маълумотномаларни тартибот бўлиmidан рўйхатдан ўтган қайднома (ведомость)лар бўйича текширади. Лабораториянинг тезкор маълумотлари асосида хомашё, кимёвий моддалар ва материаллар, тайёр махсулотларни қабул қилиш ва жўнатиш жараёнини ташкиллаштиради. Махсулот сифатини баҳолашда керакли назорат тақдим этади. Технологик жараёндан четга чиқган суюқ бутана ва эритмаларни ҳисобини олади. Жойида бартараф қилинган, яъни тўқилган бутана ва эритмаларни йиғиштириб олишни назорат қилади. Қайта тикланиб бўлмайдиган бутана ва эритмаларнинг миқдорини ҳисоблайди.</p> <p>Талофатларни камайтириш учун технологик жараёнларнинг юритилиш сифати, ва яроқсиз тайёр махсулотлар ишлаб чиқарилишидан огоҳлантирувчи доимий ишларнинг юритилишини назорат қилади. «1-сон ГМЗ» ҚБнинг технологик хизматлари билан биргаликда махсулот сифат аттестациясида, ишлаб чиқариладиган махсулотнинг сифатини ошириш ва қимматбаҳо компонентларнинг талофатини камайтиришга йўналтирилган мажлисда қатнашади. Яроқсиз тайёр махсулотлар техник ҳисоби ва таҳлилини юритишда, тайёр махсулотлар сифатининг тушиши ва яроқсизлигига йўл қўйилган жараёнларни ва айбдор шахсларни аниқлайди. Хизмат текширувлари қатнашади ва тушунтириш хати, далолатномалар, натижалар тақдим этади. Айбдор шахсларга нисбатан чоралар қўрилади ва назоратни янада кучайтиради.</p> <p>Махсулотларни қабул қилиш натижалари ҳақидаги маълумотларни смена ишчи журналидан қайд қилади. Лаборатория қайдномасини қабул қилади. Қайдномада берилган маълумотларни тегишли журналларга ёзади. "1-сон ГМЗ ҚБга келувчи материаллар ва кимёвий реагентларни кириш назорати Йўриқномасига асосланиб сифатсиз аниқланган махсулотдан комиссия иштирокида тақдоран намуна олишни ва лабораторияга топширишни ташкиллаштиради. Берилган меъёрларга асосланиб сифатсиз махсулотларнинг миқдори ва сифати бўйича далолатнома расмийлаштиради. Сифатсиз махсулотнинг таъминловчига қайтарилиши ёки технологик жараёнга олиниши ҳақидаги хулосаларга асосланиб махсулот ишчи журналига қўйиб берилади.</p>		Паст	Р.Ш. Ҳамдамов А.А. Марданов Н.Р. Мирзоев С.Э. Тошматов
14.13. Давлат ташкилоти функцияси номи: Махсулот истеъмолчисига махсулот сифати масалаларида корхона манфаатларини ҳимоя қилиш.							
14.13.1. Функцияга оид муносабат номи: Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция							
14.13.2. Жараён номи							
14.13.3.		Паст	МКБ, МКБ ТНХ бўлими муҳандиси, "Қизилқум" ҚБ, ШКБ ТНХ бошлиғи ЖКБ ТНБ бошлиғи	<p>Тегишли стандартлар ва меъёрий ҳужжатлар билан сифатли тайёр махсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш. Давлат стандартларига мувофиқ тайёр махсулот сифатига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш. Спецификация-тайёр махсулотлар паспорти, тайёр махсулотлар учун стандартлар. Ўлчов протоколлари. Истеъмолчиларга оҳак этказиб беришни тегишли меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш. Технологик параметрлар ва технологик жараёнларга риоя этилишини назорат қилиш. Қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқаришни техник режалаштириш ва назорат қилиш. Сифат назорати талаблари. Амалдаги меъёрий ҳужжатлар (назорат қилиш усуллари, назорат карталари, технологик режимдан четга чиқиш хариталари ва уларга ўзгартиришлар). Махсулот истеъмолчисига махсулот сифатини тасдиқловчи, аттестациядан ўтган лабораторияларнинг ўлчов протокол маълумотларига асосланган ҳолда Жамиятнинг таркибий бўлинмалари ҳузуридаги объектларда ишлаб чиқарилган тайёр махсулотнинг сифатига жавоб берувчи сертификат тақдим қилади.</p>		Паст	Р.Ш. Ҳамдамов У.И. Қушшаев, А.А. Марданов Н.Р. Мирзоев С.Э. Тошматов
14.14. Давлат ташкилоти функцияси номи: Олтин изловчилар усулида қазиб олинган қимматбаҳо металлларни "Навоий КМК" АЖ га топширилишини тартибга солиш ва ҳисобини олиб бориш.							
14.14.1. Функцияга оид муносабат номи: Хавф-хатар даражаси ўрта бўлган функция							
14.14.2. Жараён номи: Олтин изловчилар усулида қазиб олинган қимматбаҳо металлларни "Навоий КМК" АЖ га топширилишини тартибга солиш ва ҳисобини олиб бориш.							

14.14.3.	Функция қисман тартибга солинган	ўрта	"НКМК" АЖ ТНХ бошлиғи "НКМК" АЖ ТНХ етакчи мухандиси	<p>Олтин изловчилар усулида олтин казиб олувчи субъект ва "НКМК" АЖ ўртасида ўрнатилган тартида шартнома тузилади. Маҳсулот қабул қилиш ва ўзаро ҳисоб китоб "Олтин таркибли маҳсулотни қабул қилиш, қайта ишлаш ва ер қаъридан фойдаланувчилардан қабул қилинган аффинажланган металл нарҳини тўлаб бериш бўйича Низом" ва ""1-сон ГМЗ" КБдаги қабул кассасига олтин таркибли маҳсулотларни қабул қилиш тўғрисидаги Низом" лар асосида олиб борилади. Ҳар бир шартнома тузилгандан сўнг то тўловлар тугагунга қадар жараён кузатув остида бўлади ва жараён ишлаб чиқилган босқичма-босқич назорат схемаси асосида ижро этиб борилади. (Назорат схемасининг 1-босқичида шартнома тузилади; 2-босқичда олтин таркибли маҳсулотни қабул қилиш ва уни 2-сон ГМЗга етказилади (қабул жараёни белгиланган тартибда амалга оширилади); 3-босқичда "1-сон ГМЗ" КБ ни олтин таркибли маҳсулотни қабул қилиниши ва топширилишига сарфлаган ҳаражати ҳисобланади; 4-босқичда олтин таркибли маҳсулотни 2-сон ГМЗга қабул қилинади (қабул жараёни белгиланган тартибда амалга оширилади); 5-босқичда қабул қилинган олтин таркибли маҳсулотни то уни тайёр аффинажланган ҳолатга келтирилади; 6-босқичда олтин таркибли маҳсулотни тайёр аффинажланган олтин кўринишига келтирилганига қадар сарфланган ҳаражатлар ҳисобланади; 7-босқичда "1-сон ГМЗ" КБ га олинган аффинажланган олтин миқдори тўғрисида яқуний маълумот тақдим этилади; 8-босқичда "НКМК" АЖнинг иқтисодий бўлимига яқуний ҳисоб-китоблар ва ҳужжатлар тақдим этилади; сўнги 14-босқичда эса олтин изловчиларга ўрнатилган тартибда пул тўлаб бериш) Ойлик натижалар Ўзбекистон Республикаси Президенти администрациясига ва Геология ва минерал ресурслар қўмитасига маълумот тарзида юборилади.</p>	Олтин изловчилар усулида казиб олинган қимматбаҳо металлларни комбинатта топширилишини тартибга солиш ва ҳисобини олиб бориш тўғрисидаги Низомлар "НКМК" Давлат корхонаси пайтида тасдиқланганлиги боис янги таҳрирда ишлаб чиқиш	Паст	Б.О. Холмуродов Б.А. Хақимов
14.15. Давлат ташкилоти функцияси номи: "НКМК" АЖга қарашли бўлаган 14 та таркибий бўлинмалардаги қулик ва ойлик олтин таркибли рудалар ҳажми, руда таркибидаги олтин миқдори, олтин ишлаб чиқариш ҳажмлари ва олтинни ажратиб олиш даражасини юритиш.							
14.15.1. Функцияга оид муносабат номи: Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция							
14.15.2. Жараён номи:							
14.15.3.		паст	"НКМК" АЖ ТНХ бошлиғи "НКМК" АЖ ТНХ етакчи мухандиси	<p>Ҳар қуни (ҳафта қундан қатъий назар) жойлардаги масъул ходимлардан технологик жараён ҳолати бўйича тўлиқ маълумот тўплаб, таҳлил қилиб, раҳбариятга тақдим этилади. Ҳар бир завод ёки цехдан 15-20 та технологик параметр (қайта ишланган руда миқдори, ундаги олтин таркиби, бутана зичлиги, бутанадаги тайёр синф (-0.074мм) миқдори фоизда, кум миқдори (+0.15мм), сорбция жараёнидаги бош ва охириги чанлардаги эриган олтин миқдори, тўйинган катрондаги олтин таркиби, каналлардан олинган эритмалар ҳажми, ундаги эриган олтин таркиби, натрий цианнинг концентрацияси, рН (водород кўрсаткичи) миқдори, қулик реагентлар сарфи, ишлатилган сув миқдори, каналлардаги температура ва олтинни десорбция қилишдан то олтин қуймаларини олишгача бўлган барча жараённи ўз ичига олади) ва баланс маълумоти (Руда таркибидаги олтин таркиби, чиқиндидаги олтин миқдори, суткалик ишлаб чиқарилган олтин миқдори, ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқариш маҳсулотидagi (ТИЧМ) олтин миқдори) олинади. Маълумотларни олиш ҳимояланган тизим (Е-ХАТ) орқали амалга оширилади. Маълумот заводлар технологик регламентида ўрнатилган нормаларга мувофиқлигини таҳлил этишни кўзда тутати. Ушбу тизим автоматлаштирилмаган. Технологик жараёнлар жойларда ҳар қайси цех, бўлим ва участкаларда ўзларининг технологик жараёни юритиш журналларида олиб борилади. Бу журнал рақамланган, тикилган ва муҳрланган. Мазкур журналлар жойлардаги маъсул ходимлар яъни мазкур цех, бўлим ва участка раҳбарияти томонидан назорат қилиб борилади. Бундан ташқари жойлардаги техник назорат хизмати (ТНХ) ходимлари, диспетчерлик хизмати томонидан ҳам тартибга солинади. Қолаверса бугунги кунда юқорида айтиб ўтилган технологик параметрлар Жамият диспетчерлик хизмати ҳамда "НКМК" АЖ интернет веб сайтыдаги порталида диспетчерлик маълумотлари бўлимида ҳам қулик ҳисоботи олиб борилади.</p>		Паст	Б.О. Холмуродов Б.А. Хақимов
14.16. Давлат ташкилоти функцияси номи: Қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқариш ва топшириш бўйича давлат буюртмаси ўз вақтида бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш, ҳамда ой яқуни бўйича таҳлил олиб бориш.							
14.16.1. Функцияга оид муносабат номи: Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция							
14.16.2. Жараён номи							

14.16.3.		Паст	"НКМК" АЖ ТНХ бошлиги "НКМК" АЖ ТНХ етакчи мухандиси	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2024 йилларда қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш ва топшириш бўйича далаат буюртмаси тўғрисидаги" 2022 й 10-февралдаги Ф-26 сонли фармойиши асосида "НКМК" АЖДа йиллик олтин ишлаб чиқариш миқдори тўғрисида ишчи дастур ишлаб чиқарилган ("НКМК бўйича 2022 йилда қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш дастури (2021йилнинг 21-декабрь санасидаги 3-сонли бўйрук)). Мазкур ишчи дастури асосида "НКМК" АЖнинг барча таркибий бўлинмаларини қулик ва ойлик топширилиши лозим бўлган олтин миқдори кўрсатилган топшириқ тасдиқланади. Қулик давлат буюртмасини бажарилиши 2-сонли ГМЗга топширилган металдан келиб чиқиб ҳисобланади. Бажарилмаган тақдирда тегишли графиклар ва чора-тадбирлар ишлаб-чиқиш орқали давлат буюртмаси бажарилишини таъминланади. Ой якуни бўйича таркибий бўлинмалар мутахассислари ойлик техник ҳисоботини комбинат бош мухандиси ва технологи бўйича директор ва ТНХ бошлиги ҳузурда ҳимоядан ўтказишади.		Паст	Б.О. Холмуродов Б.А. Хақимов
14.17. Давлат ташкилоти функцияси номи: "НКМК" АЖ таркибий бўлинмалари томонидан тузилган ойлик металлургик баланслар ва ТИЧ махсулотларини тўғри тузилганлиги ва олиб борилаётганлигини назорат қилиш.							
14.17.1. Функцияга оид муносабат номи: Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция							
14.17.2. Жараён номи							
14.17.3.		Паст	"НКМК" АЖ ТНХ бошлиги "НКМК" АЖ ТНХ етакчи мухандиси	Ҳар ойнинг охири суткасида ҳар бир таркибий бўлинмаларда тугалланмаган ишлаб чиқариш махсулоти (ТИЧМ) комиссия иштирокида ўлчанади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш махсулотидаги ТИЧМ олтин ҳисобланади ва далолатнома тузилади. Бўлинманинг ҳисобот даврида қайд этилган натижалари ва ТИЧМ натижалари асосида завод бўйича ҳисобот тузилади. ТИЧМни ўлчаш учун "НКМК" АЖнинг буйруғи асосида марказий комиссия тузилади ва жойларда директорлар буйруғи билан жойлардаги ички ишчи комиссиялар тайинланади. Комиссия таркибида комиссия раиси, унинг ўринбосарлари (мазкур шахслар "НКМК" АЖнинг бошқармаси таркибидаги вакиллардан тузилади) ва комиссия аъзолари (мазкур шахслар "НКМК" АЖнинг бошқармаси ва таркибий бўлинмаларидаги вакиллардан тузилади) катнашади. "НКМК" АЖнинг марказий комиссияси, танлаш йўли билан, ташкилот ишчи комиссияси билан биргаликда, бўлинмаларда ТИЧМни ўлчаш олишни амалга оширади. Мазкур комиссия ойда 1 маротаба ТИЧМни ўлчашда иштирок этади. ТИЧМни ўлчаш ва металлургик баланс қилиш ўрнатилган тартибда тасдиқланган йўриқномалар асосида олиб борилади. Ҳар бир таркибий бўлинмаларда ТИЧМ ва металлургик балансни ҳисоблаш бўйича алоҳида йўриқнома мавжуд.		Паст	Б.О. Холмуродов Б.А. Хақимов
14.18. Давлат ташкилоти функцияси номи: "НКМК" АЖга келувчи кимёвий реагентлар ва материалларни (фақатгина Моддий-материал техник база (ММТБ) га келувчи). ММТБ га келувчи кимёвий реагентлар ва материалларни қабул қилишда бирламчи (визуал) текширув ўтказиш, келган махсулот билан бирга меъёрий ҳужжатлар борлигини (сертификат, паспорт, техник шартларга мослигини) текшириш.							
14.8.1. Функцияга оид муносабат номи: Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция							
14.18.2. Жараён номи:							
14.18.3.		паст	"НКМК" АЖ ТНХ такчи мухандиси "НКМК" АЖ ТНХ мухандиси	"Навоий КМК" АЖ моддий-материал техник база (ММТБ) га келувчи барча турдаги кимёвий реагентлар ва материалларни база ходимлари билан биргаликда қабул қилишда бирламчи (визуал) текширув ўтказлади, партидаги ўринлар сони, келган махсулот ҳужжатлари борлиги (сертификат, паспорт) текширилади. Махсулот сифат кўрсаткичлари Стандарт ва техник шартларга мослигини текшириш учун ўрнатилган тартибда намуна олинади ва синов лабораториясига топширилади, лаборатория натижаларига кўра яроқлилик ҳулосаси тўлдирилади ва керакли бўлинмалар (материал таъминот бошқармаси, технолог, энергетик, механик ва х.к) га юборилади. Ишлар Ts 30745022-192:22 Ташкилот стандарти "Махсулот кириш назорати" асосида олиб борилади. Текшириш натижасида аниқланган камчиликлар кириш назорати далолатномасида акс эттирилади. текшириш Ts 30745022-192:22 Ташкилот стандарти "Махсулот кириш назорати" асосида олиб борилади. текшириш натижаларига бўйича аниқланган камчиликлар бўйича материал таъминот бошқармаси ходимлари ва йўналиш бўйича (мисол: кимёвий реагентлар бўйича Жамиятнинг Технология бўлими муттаҳасислари) рекламация ишлари олиб боришади. Кириш назоратидан ўтказилган махсулотга Марказий илмий тадқиқот лабораторияси томонидан берилган маълумотоманинг 1 нусхаси Таъминот бўлимига топширилади, ҳамда кўнгирок қилиб натижалар юзасидан маълумот берилади.		Паст	Б.А. Хақимов О.Т. Джўраев
16. Таркибий бўлинманинг номи: "Меҳнат муҳофазаси ва техника хавсизлиги бош бошқармаси".							
16.1. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Тегишли таркибий бўлинмалар вакиллари билан биргаликда касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари иштирокида бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар ва механизмлар, қурилмалар, ходимларни жамоавий ва шахсий ҳимоя қилиш воситаларини ҳамда санитария-техник воситаларнинг ҳолати, вентиляция тизимларининг меҳнат муҳофазаси талабларига мувофиқлигини текшириш".							
16.1.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция".							

16.1.2. Жараён номи:								
16.1.3.		Паст	Мехнат мухофазаси, саноат хавфсизлиги ва экология бўйича директор, Бош бошқарма бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, ММВаХТ ҳудудий бошқармаси, бўлим (хизмат) бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, барча муҳандислар	Жамият раҳбариятининг фармойишига асосан ишлаб чиқариш майдонларида, тегишли бўлим вакиллари иштирокида меҳнат мухофазаси ва саноат санитарияси ҳолатини ҳар томонлама мақсадли ва режадан ташқари текшириш амалга оширилади. Текшириш якуни бўйича таркибий бўлимга раҳбари билан биргаликда, текширилган объект жавобгар шахслари иштирокида йиғилиш ўтказилади ва аниқланган номувофикликлар ўқиб эшиттирилади, фикр ва мулоҳазалар тингланади. Аниқланган камчиликлар юзасидан норматив техник ҳужжатнинг бузилган банди, жавобгар шахс, бажариш муддатларини кўрсатган ҳолда далолатнома-кўрсатма расмийлаштирилади ва далолатнома-кўрсатмани рўйхатга олиш журналида рўйхатга олиниб, таркибий бўлимларга ижро учун юборилади ҳамда далолатнома-кўрсатмани бандларини бажарилганлиги тўғрисида ҳисоботларни олади.				А.П. Черданцев А.Р. Турсунов Х.Ю. Раджапов ва бошқалар
16.2. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Жамиятда соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш бўйича иш шакллари ва усулларини такомиллаштиришни таъминлаш".								
16.2.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси ўрта бўлган функция"								
16.2.2. Жараён номи: Ўз.Р. Конституцияси, Меҳнат кодекси ҳамда давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорларига таянган ҳолда, қорхона ҳамда ташкилот лойиҳалари ва ишлаб чиқариш-санитария нормалари асосида меҳнатни муҳофаза қилишнинг меъёрий асослари ишлаб чиқилади.								
16.2.3.	Меҳнат мухофазаси, саноат хавфсизлиги ва экология бўйича директорнинг вазифа ва функциясини белгилловчи лавозим йўриқномаси ишлаб чиқилмаган, фаолияти тартибга солинмаган.	ўрта	Меҳнат мухофазаси, саноат хавфсизлиги ва экология бўйича директори	Жамиятнинг Ts 30745022-421:2022 стандарти "Раҳбар, мутахассис ва хизматчиларнинг лавозим йўриқномаларини тузиш ва ўзгартириш қоидалари"га мувофиқ Меҳнат мухофазаси, саноат хавфсизлиги ва экология бўйича директорнинг лавозим йўриқномаси ишлаб чиқиш.	Меҳнат мухофазаси, саноат хавфсизлиги ва экология бўйича директорнинг вазифа ва функциясини белгилловчи лавозим йўриқномаси ишлаб чиқиш	паст	А.П. Черданцев	
16.3. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Жамиятнинг таркибий бўлимлари билан биргаликда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ташкил қилиш".								
16.3.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"								
16.3.2. Жараён номи								
16.3.3.		Паст	ММВаХТ ҳудудий бошқармаси бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, барча муҳандислар	"Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириши ва ҳисобга олиш тўғрисида"ги Низомга мувофиқ бўлинмада ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текширишда иштирок этади ва чора-тадбирлар режаси тузилади, чора-тадбирлар режаси бандларини бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисоботларни олади. Ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар, касб касалликлари ва касалликлар, ишлаб чиқариш омиллари таъсирида юзага келадиган касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларини, шунингдек меҳнат шaroитларини яхшилаш бўйича ишларни ташкил этади.				О.Э. Бешимов М.Н. Ишанходжаев А.А. Жумаев Р.А. Ражабов ва бошқалар
16.4. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Жамиятнинг тегишли таркибий бўлимлари томонидан ишлаб чиқилган меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоидалар ва меъёрлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, кўриб чиқиш ва келишиш".								
16.4.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"								
16.4.2. Жараён номи								
16.4.3.		Паст	Бош бошқарма бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, барча муҳандислар	Ўз.Р Адлия Вазирлигидан 2000 йил 07 январда рўйхатдан ўтган 870-сонли "Меҳнат мухофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ меҳнат мухофазаси бўйича касб эгалари учун йўриқномаларни ишлаб чиқишда иштирок этади, кўриб чиқади ва келишади ҳамда иш турлари бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқишда иштирок этади.				А.Р. Турсунов Х.Ю. Раджапов
16.5. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларида ҳимоя қилишнинг янада илғор усуллари, қурилмалари ва бошқа воситаларини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва Жамиятнинг таркибий бўлимлар раҳбариятига тақдим этиш".								
16.5.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"								
16.5.2. Жараён номи								

16.5.3.		Паст	Бош бошқарма бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, ММваХТ ҳудудий бошқармаси, бўлим (хизмат) бошлиғи, бошлиқ ўринбосари	Ходим ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган ортикча шовкин, вибрацияни келтириб чиқаради, турли шикастланишлар этиши хавфини туғдиради. Омилларнинг бошқа бир турлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё, материаллар, ёнилғи, яримтайёр маҳсулотлардир. Улар чанг чиқариши, турли нурланишлар, захарли газлар, радиация ҳамда ҳоказолар орқали ходим соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришдаги микроклим: ҳарорат, хаво оқими, унинг намлиги ҳам персонал меҳнат қобилиятига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Бундан ташқари, инсон организмга салбий таъсир кўрсатадиган яна кўплаб унсурлар: иш жойининг яхши ёритилмаганлиги, бактерия ва вируслар тарқалиши, иш жараёнида жисмоний, руҳий зўриқиш ҳамда ҳоказоларни ўрганади ва назорат қилади.			А.Р. Турсунов Х.Ю. Раджапов ва бошқалар
16.6. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Меҳнат муҳофазаси соҳасида кучга кирган янги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида Жамият ходимларини хабардор қилиш".							
16.6.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.6.2. Жараён номи							
16.6.3.		Паст	Бош бошқарма бошлиғи, бошлиқ ўринбосари	Ўз.Р Адлия Вазирлигидан 1996 йил 14 августда рўйхатдан ўтган 273-сонли "Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилишнинг намунавий Низоми" талабларини бажарилишини таъминлаш мақсадида бўлим томонидан қуйидагилар ташкил этилади: 1. Ахборот стендлари ёки хавфсизлик бурчаклари; 2. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича илғор тажрибалар ўрганилади ва бўлимларда тарғиб қилинади ҳамда жорий этиш бўйича йиғилишлар ўтказилади; 3. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кўргазмалар; 4. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маърузалар, филмлар намойишлар; 5. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича семинарлар, учрашувлар ва маърузалар ўтказилади.			А.Р. Турсунов Х.Ю. Раджапов
16.7. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Қурилиши тугалланган ёки реконструкция қилинган саноат объектларини фойдаланишга қабул қилиш комиссиялари ишида, шунингдек, ММваТХ бош бошқармаси фаолиятига тааллуқли қурилмалар, агрегатлар, дастгоҳлар ва бошқа ускуналарни таъмирлашга қабул қилиш комиссиялари ишида иштирок этиш".							
16.7.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.7.2. Жараён номи							
16.7.3.		Паст	Бош бошқарма бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, ММваХТ ҳудудий бошқармаси, бўлим (хизмат) бошлиғи, бошлиқ ўринбосари	Қабул қилиш комиссияларига тақдим этилган ҳужжатлар асосида ҳамда бевосита объектларга борган ҳолда, бўлимлардаги қурилмалар, агрегатлар, дастгоҳлар ва бошқа ускуналарни меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидалари, меъёрлари ва йўриқномалари талабларига мувофиқлигини текширади. Бўлимда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидалари, меъёрлари ва йўриқномалари талабларига мувофиқ ходимларнинг хавфи ва зарарли ишлаб чиқариш омилларидан химояланганлиги, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари таъминланганлиги, жамоавий химоя воситалари, шахсий химоя воситалари билан таъминланганлиги бўйича ишларни ташкил этилишини текширади.			А.Р. Турсунов Х.Ю. Раджапов ва бошқалар
16.8. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Иш жойларининг меҳнат шароитлари бўйича ўз вақтида аттестациядан ўтказилиши устидан назоратни амалга ошириш".							
16.8.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.8.2. Жараён номи							

16.8.3.		Паст	Бош бошкарма бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, ММваХТ худудий бошқармаси, бўлим (хизмат) бошлиғи, бошлиқ ўринбосари	<p>Ўз.Р. ВМнинг 263-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан аттестация фуқароларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига жавоб берадиган соғлиғи ва меҳнатнинг хавфсиз шарт-шароитларига бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида ўтказилади. Аттестацияни ташкил этиш ва ўтказиш учун иш ўринларида аттестация ўтказиладиган қорхона раҳбарининг ёзма қарори билан доимий ишловчи аттестация комиссияси ташкил этилади ҳамда аттестация бўйича ишларни амалга ошириш жадвали белгиланади. Аттестация комиссияси таркибига мажбурий тартибда бош муҳандис (бор бўлганда), меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари раҳбарлари ва ходимлари, қасаба уюшмаси қўмитаси ёки қорхона ходимларининг бошқа вакиллик органи вакиллари, аттестациядан ўтказувчи ташкилот вакиллари киритилади. Қорхонанинг меҳнат муҳофазаси хизмати аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхати лойиҳасини тайёрлайди.</p> <p>Аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхатини тузишда технологик жараён тавсифларидан, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари таркибидан, қўлланиладиган хом ашё ва материаллардан, зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омиллари кўрсаткичларининг олдин ўтказилган ўлчашлари натижаларидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар талабларидан, шунингдек ушбу ўлчашларни амалга ошириш жойларидан келиб чиқиб ўлчаниши ва баҳоланиши керак бўлган ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омиллари, жароҳат етказиш хавфи ва ходимнинг ЯТХВ билан таъминланганлиги кўрсатилади.</p>			А.Р. Турсунов Х.Ю. Раджапов ва бошқалар
16.9. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Ходимларни шахсий ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланишни текшириш".							
16.9.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.9.2. Жараён номи							
16.9.3.		Паст	ММ ва ХТ бўйича барча муҳандислар	Иш жойларига доимий таширф буюриш жараёнида жамият ходимларига "махсус иш кийимлари, махсус пойфазалари ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини бепул бериш меъёри"га мувофиқ ходимларга берилган махсус иш кийимлари, махсус пойфазалари ва шахсий ҳимоя воситаларидан ўз иш фаолиятини олиб бораётган ходимлар томонидан тўғри фойдаланаётганлигини текширади.			ММ ва ХТ бўйича барча муҳандислар
16.10. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Жамиятнинг тегишли хизматлари томонидан ускуналар, машиналар ва механизмларнинг зарур синовлари ва техник текширувларининг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш".							
16.10.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.10.2. Жараён номи:							
16.10.3.		Паст	Бош бошкарма бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, ММваХТ худудий бошқармаси бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, барча муҳандислар	"НКМК" АЖнинг "Меҳнат муҳофазасини бошқариш тизими"нинг 25-илоvasи "Комбинат бўлимларида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатининг поғонали назоратини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги Низомга мувофиқ комбинат бўлимларида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини комплекс ва мақсадли текширишни амалга ошириш жараёнида ускуналар, машиналар ва механизмларнинг зарур синовлари ва техник текширувларининг ўз вақтида бажарилишини текшириш орқали назорат қилади. Аниқланган камчиликлар юзасидан норматив техник ҳужжатнинг бузилган банди, жавобгар шахс, бажариш муддатларини кўрсатган ҳолда далолатнома-кўрсатма расмийлаштирилади ва далолатнома-кўрсатмани рўйхатга олиш журналида рўйхатга олиниб, таркибий бўлимларга ижро учун юборилади ҳамда далолатнома-кўрсатмани бандларини бажарилганлиги тўғрисида ҳисоботларни олади.		Паст	А.Р.Турсунов, Х.Ю.Раджапов, О.Э.Бешимов, М.Н.Ишанходжаев, А.А.Жумаев, Р.А.Ражабов ва бошқалар
16.11. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Жамият бўлимларида ходимларни ўз вақтида ўқитиш, билимларни текшириш ва меҳнат муҳофазаси бўйича барча турдаги инструктажларни ўтказилиши устидан назоратни амалга ошириш".							
16.11.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.11.2. Жараён номи							

16.11.3.		Паст	ММ ва ХТ бўйича барча мухандислар	Ташкилот ходимларини меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини ишлаб чиқади, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш учун юбориладиган лавозимлар рўйхатларини шакллантиради, барча ишга янги қабул қилинаётган, хизмат сафарига келган ходимларни ва ўқиш ёки амалиёт учун келган талабаларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кириш йўл-йўригидан ўтказиши, аттестация ўтказувчи комиссиянинг ҳамда муҳандис-техник ходимларнинг билимини, меҳнатни муҳофаза қилиш қондалари ва нормаларини, хавфсизлик техникаси йўриқномаларини билишини текширувчи комиссиянинг ишида иштирок этади, ташкилот таркибий бўлинмаларининг меҳнатни муҳофаза қилишга доир қўлланмалар билан таъминланишини ташкил этади, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ахборот стендларини жиҳозлашда услубий ёрдам кўрсатади. Ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўз вақтида ўқитилиши, уларнинг билимлари текширилишини ва барча турдаги йўриқномалардан ўтказилишига риоя этилишини назорат қилади.			ММ ва ХТ бўйича барча мухандислар
16.12. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Жамиятнинг таркибий бўлинмаларида меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларни амалга ошириш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назоратни амалга ошириш".							
16.12.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.12.2. Жараён номи							
16.12.3.		Паст	Бош бошқарма бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, ММваХТ ҳудудий бошқармаси, бўлим (хизмат) бошлиғи, бошлиқ ўринбосари	Ўз.Р "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ иш берувчи билан қасаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ўртасида ишлаб чиқилган меҳнат муҳофазаси бўйича қелишув комбинатнинг бош мутахассислари ва таркибий бўлинмаларига ижросини таъминлаш учун юборилади ва йил якуни бўйича ишлаб чиқилган меҳнат муҳофазаси бўйича қелишувнинг ҳисоботи комбинатнинг бош мутахассислари ва бўлинмалар раҳбарлари томонидан тингланади ва ёзма ҳисоботлари олинади.			А.Р. Турсунов Х.Ю. Раджапов О.Э. Бешимов М.Н. Ишанходжаев А.А. Жумаев Р.А. Ражабов ва бошқалар
16.13. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Махсус кийим, махсус пойфазал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини сақлаш, тарқатиш, ювиш, кимёвий тозалаш, қуритиш, ёғсизлантириш ва таъмирлашни ташкил этиш устидан назорат қилиш".							
16.13.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.13.2. Жараён номи							
16.13.3.		Паст	ММ ва ХТ бўйича барча мухандислар	Ишчи ва хизматчиларга шахсий ҳимоя воситаларини бериш бўйича назорат ҳамда ҳисобот ишларини ташкил қилиш, улардан иш пайтида тўғри фойдаланишни, бузилган, ифлосланган ҳолларда эса уларни қўллашни тақиқлашни назорат қилади. Хусусан: - амалда берилган ЯТХВ номенклатурасини ходимларга бепул берилган ЯТХВнинг тегишли намунавий нормалари билан солиштириш; - ходимларга берилган ЯТХВ мувофиқлик сертификатлари (декларациялари) мавжудлигини текшириш; - ходимларни ЯТХВ билан таъминлашнинг белгиланган тартибини текшириш; - берилган ЯТХВнинг иш ўрнидаги меҳнат шароитларининг амалдаги ҳолатига мувофиқлигини баҳолайди.			ММ ва ХТ бўйича барча мухандислар
16.14. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Жамоа шартномасининг "Меҳнат муҳофазаси" бўлимидаги чора-тадбирларнинг бажарилишини, давлат назорати ва назорати органларининг кўрсатмаларини бажарилишини, қонун ҳужжатларига мувофиқ соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича бошқа чора-тадбирларни бажарилишини назорат қилиш".							
16.14.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.14.2. Жараён номи							
16.14.3.		Паст	Бош бошқарма бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, ММваХТ ҳудудий бошқармаси, бўлим (хизмат) бошлиғи, бошлиқ ўринбосари	Комбинатда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини олдини олиш, ходимларни хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳимоялаш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, жамоавий ҳимоя воситалари ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирларни, давлат назорати ва назорат органларининг кўрсатмаларини бажариш учун масъул бўлган ходимларга ёзма равишда юборади ва ёзма ҳисоботларини олади. Ҳисоботларни олганидан сўнг ушбу ҳисоботлар бўйича бандма-банд жойларга бориб бажарилганлигини текширади.			А.Р. Турсунов Х.Ю. Раджапов О.Э. Бешимов М.Н. Ишанходжаев А.А. Жумаев Р.А. Ражабов ва бошқалар
16.15. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ҳужжатларни (Н-1 шаклидаги далолатномалар ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш бўйича бошқа ҳужжатлар, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари кўрсаткичларини ўлчаш баённомалари, иш жойларини аттестациядан ўтказиш ҳужжатлари ва бошқалар) сақланишини ташкил этиш".							
16.15.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.15.2. Жараён номи							

16.15.3.		Паст	ММваХТ ҳудудий бошқармаси бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, барча муҳандислар	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ Н-1 шаклидаги далолатнома тўрт нусхада тузилади ва тасдиқланади. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари (муҳандиси, мутахассиси)га текшириш материаллари билан юборилган Н-1 шаклидаги далолатнома 45 йил давомида сақланиши лозим. Бошқа жойларга юборилган текшириш материаллари, Н-1 шаклидаги далолатномалар ва унинг нусхалари эҳтиёж йўқолгунча сақланади. Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ аттестация материаллари катъий ҳисобот бериладиган материаллар ҳисобланади ва 50 йил сақланади.			О.Э.Бешимов М.Н. Ишанходжаев А.А. Жумаев Р.А. Ражабов ва бошқалар
16.16. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Жамиятда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ички аудитни ташкил қилиш".							
16.16.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.16.2. Жараён номи							
16.16.3.		Паст	Бош бошқарма бошлиғи, бошлиқ ўринбосари	Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини тўлиқ таҳлил қилинади. Таркибий бўлинмаларда текширув вақтида ҳужжатлар баҳоланади, бунда қондабузарликлар ва қонунчилик нормаларига ҳаволалар ўрганилади, номувофиқликлар тавсифи кўрсатилади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кўчирмалар олинади. Аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг молиявий хавфини ўрганиш ишлари олиб борилади (Маъмурий Кодексга мувофиқ). Камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Таркибий бўлинмага ташриф буюриш орқали меҳнат хавфсизлиги аудити ўтказилади. Аудит натижаларига кўра Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими ҳолати бўйича ҳулосалар қилинади.			А.Р. Турсунов Х.Ю. Раджапов
16.17. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Жамиятда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш ва ҳисобини юритиш".							
16.17.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.17.2. Жараён номи							
16.17.3.		Паст	Бош бошқарма бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, ММваХТ ҳудудий бошқармаси, бўлим (хизмат) бошлиғи, бошлиқ ўринбосари	Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 07.07.1996 йилдаги 286-сон қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида"ги Низом талабларидан келиб чиқиб, буйруқ асосида комиссия таркиби тузилади. Буйруқ Ўз.Р. Меҳнат вазирлигидан ёки Ўз.Р. Саноат хавфсизлиги Давлат Қўмитаси томонидан тузилади (жароҳати ва касбига қараб). Комиссия таркибига Жамият бошқармасининг тегишли бўлимлари, бюrolари ва хизматларидан мутахассис ходимлар жалб қилинади. "Махсус текширув далолатномаси" тузилади, бунда ҳодиса сабаблари ва айбдор шахслар, шунингдек, белгиланган тартибда жавобгар шахслар ва ижро этиш муддатлари, бундай ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси кўрсатилган ҳолда Н-1 шаклдаги Далолатнома расмийлаштирилади ва чора-тадбирлар режаси бандларини бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисоботларни олади.			А.Р. Турсунов Х.Ю. Раджапов О.Э. Бешимов М.Н. Ишанходжаев А.А. Жумаев Р.А. Ражабов ва бошқалар
16.18. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимга ўз вақтида тўловларни тўланишини назорат қилиш".							
16.18.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.18.2. Жараён номи							

16.18.3.		Паст	Бош бошқарма бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, ММваХТ ҳудудий бошқармаси, бўлим (хизмат) бошлиғи, бошлиқ ўринбосари	Ходимларга уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларига мувофиқ ходимга жароҳат ёки соғлиғига бошқа шикаст етказилганда жабрланувчининг олган ёҳуд олиши мумкин бўлган йўқотган иш ҳақи (даромади) тўланиши, зарар ҳар ойда жабрланувчининг касбий меҳнат фаолиятини йўқотиш даражасига тегишли равишда меҳнат жароҳати олгунга қадар унинг ўртacha ойлик иш ҳақиға фонизларда, соғлиғига шикаст етказилиши сабабли қилинган қўшимча харажатлар компенсацияларда, шунингдек белгиланган ҳолларда бир марталик нафақалар тўлашда қопланиши, иш ҳақи ёки унинг бир қисми тўланаётганда, жароҳат олиши туфайли тайинланган ногиронлик пенсиялари, шунингдек меҳнат жароҳати олгунга қадар ва ундан кейин тайинланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа шунга ўхшаш тўловларнинг бошқа турлари етказилган зарарни тўлашда ҳисобга олинмаслиги, шунингдек, жабрланувчининг жароҳат олгандан кейинги иш ҳақи ҳам зарарни тўлашда ҳисобга олинмаслиги, бунда жабрланувчиларга — меҳнат жароҳати бўйича ногиронлиги бўлган шахсларга зарарни тўлаш миқдори белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг эллик фоизидан кам бўлиши мумкин эмаслигини назорат қилади.			А.Р. Турсунов Х.Ю. Раджапов О.Э. Бешимов М.Н. Ишанходжаев А.А. Жумаев Р.А. Ражабов ва бошқалар
16.19. Давлат ташкилоти функцияси номи: "НКМК" АЖ таркибий бўлинмаларида меҳнат муҳофазаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан бошқа назорат функцияларини амалга ошириш".							
16.19.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.19.2. Жараён номи							
16.19.3.		Паст	ММваХТ ҳудудий бошқармаси бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, барча муҳандислар	Ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар, касб касалликлари ва касалликлар, ишлаб чиқариш омиллари таъсирида юзага келадиган касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларини, шунингдек меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича ишларни ташкил этади. Бўлимда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидалари, меъёрлари ва йўриқномалари талабларига мувофиқ соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этади. Бўлимда раҳбарлари ва ходимларини меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масалалари бўйича хабардор қилиш, тарғиб қилиш ва маслаҳат бериш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича илғор тажриба ва илмий ишланмаларни жорий этади. Бўлимда ходимларини меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги соҳасида ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.			О.Э. Бешимов М.Н. Ишанходжаев А.А. Жумаев Р.А. Ражабов ва бошқалар
16.20. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар, касб касалликлари ва ишлаб чиқариш омиллари таъсирида юзага келадиган касалликларнинг ҳолатини таҳлил қилиш ва сабабларини аниқлаш".							
16.20.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.20.2. Жараён номи							
16.20.3.		Паст	ММваХТ ҳудудий бошқармаси бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, барча муҳандислар	Ўз.Р. соғлиқни сақлаш вазирининг 200-сонли буйруғини (тиббий кўрик ва касб касалликларига чалинишни олдини олиш ишлари) ижросини доимий назорат қилинади. Унга кўра, қуйидагиларга аниқлик киритилади: 1) касаллик характериға ёки шунга яқин ҳолатта эға бўлган асаб тизими ёҳуд бошқа органлардаги доимий функционал ўзгаришлар. 2) сезги органларининг турли камчиликлари, кўришининг қисман йўқотилиши, гаранглик ва ҳ.к. 3) асаб тизимининг юқори бўлимларидаги сенсорлар ва ҳаракатлангирувчи марказлар ўртасидаги боғлиқликнинг бузилиши. 4) ҳаракатларнинг мослашувидаги нуқсонлар (эпчилмаслик, ишончсиз ҳаракатлар). 5) эмоционал жараёнларнинг мувозанатлашмаганлиги (хурсандчилик ва ҳаҳнинг алмашинуви, арзимаган ташқи таъсирларға дарҳол берилиши), булар энгилтаклик, ўйламасдан иш қилиш, шомашошарликда намоён бўлади. 6) алкоголь ичимликлар ва гиёҳвандлик моддаларига ружу қўйиш.			О.Э. Бешимов М.Н. Ишанходжаев А.А. Жумаев Р.А. Ражабов ва бошқалар
16.21. Давлат ташкилоти функцияси номи: "НКМК" АЖ барча ишлаб чиқариш объектлари иш жойларининг ҳолатини доимий равишда мунтазам текширувдан ўтказиш, агар қоидабузилиш/ноқонунийлик аниқланса, уларни бартараф этиш муддатлари ва масъул шахсларни кўрсатган ҳолда Далолатнома тузиш".							
16.21.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси ўрта бўлган функция"							
16.21.2. Жараён номи: "НКМК" АЖнинг "Комбинат бўлинмаларида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатининг поғонали назоратини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги Низомга мувофиқ комбинат бўлинмаларида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати юзасидан ўтказилган комплекс ва максадли текширишда аниқланган камчиликлар юзасидан норматив техник ҳужжатнинг бузилган банди, жавобгар шахс, бажариш муддатларини кўрсатган ҳолда далолатнома-кўрсатма расмийлаштирилади ва далолатнома-кўрсатмани рўйхатга олиш журналида рўйхатга олиниб, таркибий бўлинмаларға ижро учун юборилади ҳамда далолатнома-кўрсатмани бандларини бажарилганлиги тўғрисида ҳисоботларни олади.							

16.21.3.	Жамият бўлиналарида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати бўйича ўтказилган комплекс ва мақсадли текширишда аниқланган камчиликлар юзасидан расмийлаштирилган далолатнома-кўрсатмалар мавжуд ахборот тизимида электрон руйхатга олинмаслиги, тегишли ҳужжатлар киритилмаслиги, таркибий бўлиналарга ижро учун тизим орқали юборилмаслиги ҳамда таркибий бўлиналар томонидан далолатнома-кўрсатмалардаги бандлари бажарилганлиги тўғрисида ҳисоботлар назорат учун тизимга киритиб борилмаслиги.	Ўрта	Меҳнат муҳофазаси, саноат хавфсизлиги ва экология бўйича директор, Бош бошқарма бошлиғи, бошлик ўринбосари, ММваХТ ҳудудий бошқармаси бошлиғи, бошлик ўринбосари, барча муҳандислар	Ўтказилган комплекс ва мақсадли текширув ҳамда назорати натижасида аниқланган хато ва камчиликларни бўйича далолатнома ва уларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбир (кўрсатма)ларни расмийлаштирилгандан кейин 24 соат ичида мавжуд автоматлаштирилган ахборот тизимига қўйидаги маълумотлар киритилади: - текшириш (ўрганиш) ўтказиш асослари фармойиш, буйруқ, режали жадвал ва бошқалар (агар мавжуд бўлса); - текшириш (ўрганиш)да қатнашган комиссия аъзолари ва иштирок этган ишчи ходимлар; - текшириш (ўрганиш) ўтказилган объект (худуд, иш жойи, цех, участка ва ҳоказо) номи; - текшириш (ўрганиш) предмети (мавзуси, йўналиши); - текшириш (ўрганиш) ўтказилган сана (бошланган-тугалланган) ва ўрганилган даврийлиги (муддати); - текшириш (ўрганиш)да аниқланган хато ва камчиликлар (ҳар бири алоҳида); - текшириш (ўрганиш)да аниқланган хато ва камчиликлар бартараф этиш механизми (чора-тадбир ёки ёзма кўрсатмаларни юклаш, ҳар бири бўйича алоҳида); - текшириш (ўрганиш)да аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш механизми (чора-тадбирлар ёки ёзма кўрсатмалар) ижро санаси, ижрочи ва масъул шахснинг ФИШ (ҳар бири алоҳида); - текшириш (ўрганиш)да аниқланган хато ва камчиликлар белгиланган санада бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжати (ёзма ахбороти ёки ҳисоботи) тақдим этилганлиги (юқланганлиги); - ҳар бир хато ва камчиликлар белгиланган санада бартараф этилганлиги ва ҳисоботнинг ҳаққонийлиги бўйича манзилли мониторинг ўтказилган ҳолати; - хато ва камчиликларга йўл қўйган ишчи-ҳодимларга нисбатан қўлланилган интизомий жазо ва бошқа чоралар (юқланганлиги). Мазкур ахборот тизими ёрдамида хато ва камчиликлар ўз вақтида ва сифатли бартараф этилиши ҳолатини онлайн кузатиш ва назорат қилиш ҳамда бу йўналишдаги раҳбар ва ижрочи ишчи-ҳодимларнинг масъулиятини оширишга қаратилган.	Меҳнатни муҳофаза қилиш ва саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилишини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш ва тизимни тўлиқ ишга тушириш	Паст	А.П. Черданцев А.Р. Турсунов Х.Ю. Раджапов О.Э. Бешимов М.Н. Ишанходжаев А.А. Жумаев Р.А. Ражабов ва бошқалар
16.22. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари кўрсаткичларини ўлчашни, асбоб-ускуналар, асбобларнинг шикастланиш хавфсизлигини баҳолашни назорат қилиш".							
16.22.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.22.2. Жараён номи							
16.22.3.		Паст	ММваХТ ҳудудий бошқармаси бошлиғи, бошлик ўринбосари, барча муҳандислар	Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ аттестациядан ўтказувчи ташкилот томонидан меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлиги юзасидан иш ўринларини аттестациядан ўтказиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун талабларга жавоб берадиган ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида ишлаб чиқариш мухити ва меҳнат жараёни омилларини ўлчайди ва меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини баҳолайди.			О.Э. Бешимов М.Н. Ишанходжаев А.А. Жумаев Р.А. Ражабов ва бошқалар
16.23. Давлат ташкилоти функцияси номи: "Иш берувчи номидан ходимларни иш жойидаги меҳнат шароитлари, касбий касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва мумкин бўлган муддатлари, шунингдек хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларидан ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида хабардор қилиш".							
16.23.1. Функцияга оид муносабат номи: "Хавф-хатар даражаси паст бўлган функция"							
16.23.2. Жараён номи							
16.23.3.		Паст	Бош бошқарма бошлиғи, бошлик ўринбосари, барча муҳандислар	Меҳнат муҳофазаси бўйича ўтказиладиган йиғилишлар, семенарлар, учрашувлар, ўқитиш ва инструктажлар ўтказиш орқали хабардор қилади.			А.Р. Турсунов Х.Ю. Раджапов ва барча муҳандислар
